



Пойтахти – Дамашк шаҳри (ҳозирги Дамашк, Сурия). Худуди – 13 млн кв. км. (720-750 йилларда). Давлат тузуми – монархия. Давлат тили – араб тили.

Умавий ҳукмдорлар (х. 41-132 й / м. 661-750 й):

1. Суфёнийлар шохобчаси: Муовия ибн Абу Суфён (Саҳр) ибн Харб ибн Умайя ибн Абдушамс

Хукмдорлар

хижрий

милодий

Яшаган

йиллари

1.

Муовия ибн Абу Суфён

41-60

661-680

603-680

2.

Язид ибн Муовия

60-64

680-683

645-683

3.

Муовия	II ибн Язид
--------	-------------

64

683-684

661-684

2. Марвонийлар шохобчаси: Марвон ибн Хакам ибн Абул Ос ибн Умайя ибн Абдушамс

4.

Марвон ибн Хакам

64-65

683-68	5
--------	---

623-685

5.

Абдулмалик ибн Марвон

65-86

68	5	-705
----	---	------

646-705

6.

Валид ибн Абдулмалик

86-96

705-71	5
--------	---

668-715

7.

Сулаймон ибн Абдулмалик

96-99

71	5	-717
----	---	------

674-717

8.

Умар ибн Абдулазиз ибн Марвон

99-101

717-7	20
-------	----

680-720

9.

Язид	II	ибн Абдулмалик
------	----	----------------

101-105

7	20	-72	4
---	----	-----	---

?	—	724
---	---	-----

10.

Хишом ибн Абдулмалик

105-125

724-74	3
--------	---

691-743

11.

Валид II ибн Язид II

125-126

743

706-744

12.

Язид III ибн Валид ибн Абдулмалик

126-127

743-744

?	–	744
---	---	-----

13.

Иброхим ибн Валид ибн Абдулмалик

127

74	4
----	---

? –	744
-----	-----

14.

Марвон II ибн Мухаммад ибн Марвон ибн Хакам

127-132

74	4	-750
----	---	------

691-750

Муовия ибн Абу Суфён ибн Харб ибн Умайя (603-680) – умавийлар сулоласининг

биринчи хукмдори (661-680). Хижратдан 15 йил олдин Маккада тугилган ва хижрий 60 йили (м. 680 й, 6 май) Ражаб ойида Дамашкда вафот этган.

Муовия ибн Абу Суфён 23 ёшида Макка фатхи куни Исломга кирган. У Расулуллохнинг вахий котибларидан бири эди. Абу Бакр халифалик даврида акаси Язид ибн Муовия бошқараётган кўшинда хизмат килиб, кўшин бошқаришда ёрдам берган. Умар ибн Хаттоб халифалик даврида – 21 йили Шомдаги Урдун вилоятига волий килиб тайинланди. Акаси Язид ибн Абу Суфён “Тоуни амвос”дан вафот этгач, халифа Умар ибн Хаттоб уни Дамашк ва унинг атрофидаги ерларга волий килиб тайинлади.

Усмон ибн Аффон халифалик даврида Муовия Шомнинг барча худудига волий бўлди. 35 йили Халифа Усмон ўлдирилганидан сўнг, Али ибн Абу Толибни халифа деб тан олмади ва халифа Усмоннинг касосини олиш учун ҳаракат бошлади. Ундан олдин Али ибн Абу Толиб ва Усмоннинг касосини олишга уринган Оиша ўртасида “Жамал воқеаси” бўлиб ўтган эди.

“Жамал воқеаси”дан кейин Муовия Алига қарши уруш ҳаракатларини бошлади. Сиффийн жангидан сўнг у Шомда мустаҳкам ўрнашиб олди. Халифа Али ибн Абу Толиб хорижий мунофиқлар томонидан ўлдирилгандан сўнг, бир гуруҳ кишилар унинг ўғли Хасанни халифа сифатида эътироф этишди.

Музокаралар натижасида Хасан ибн Али Муовия билан сулҳ тузди ва уни хукмдор деб тан олди. Бу Умавийлар сулоласининг хукмронлигининг бошланиши эди.

Язид ибн Муовия ибн Абу Суфён (х. 25-64 й / м. 645-683 й) – умавийлар сулоласининг иккинчи хукмдори (х. 60-64 / м. 680-683). У 60 йили отаси вафот этгач, хукмдор бўлди. У Макка камали пайтида 64 йил рабиъ ул-аввал ойининг ўрталарида Хеврон шаҳрида вафот этди.

Муовия ибн Язид ибн Муовия ибн Абу Суфён (661-684) – Муовия II, отаси Язид вафотидан сўнг 64 йили хукмдор бўлди. Унинг хукмронлиги 3 ой, бошқа маълумотлар бўйича 40 кун бўлган. 684 йил июнда минбарга чиқиб хукмдорликдан воз кечганини эълон қилган ва орадан бир ой ўтгач вафот этган.

Марвон ибн Хакам (х. 2-65 / м. 623-685). Марвон 2 йили Маккада тугилган. 65 йили Дамашкда вафот этган. Умавийлар сулоласининг тўртинчи хукмдори (684-685).

Марвон Халифа Усмон ибн Аффоннинг котиби бўлган. Муовия ибн Абу Суфён даврида Хаж мавсуми мобайнида Мадина волийси бўлган. Язид хукмронлигининг дастлабки давларида ҳам Мадина яшаган, одамлар Язидга байъат қилишдан бош тортишгандан сўнг Дамашкка кетган. Муовия ибн Язид хукмдорликдан воз кечганидан сўнг, Марвон Бани Умайянинг энг ёши улуги сифатида Муовия ибн Язиднинг ўрнини эгаллади.

Абдулмалик ибн Марвон ибн Хакам (х. 26-86 й, / м. 646-705 й) – умавийлар сулоласининг бешинчи хукмдори (х. 65-86 / м. 685-705). У отаси Марвон ибн Хакам ўлдирилгандан сўнг тахтга чиқкан.

Валид ибн Абдулмалик ибн Марвон ибн Хакам (668-715) – умавийларнинг олтинчи хукмдори (705-715). Отаси Абдулмалик ибн Марвон вафотидан сўнг тахтга чиқкан. Валид хукронлиги даврида Мовароуннахр, Синд ва Андалусия ишғол қилинди.

Сулаймон ибн Абдулмалик ибн Марвон ибн Хакам (х. 54-99 й. / м. 674-717 й.) – умавийлар сулоласининг еттинчи хукмдори (х. 96-99 / м. 715-717). Дамашкда тугилган. Акаси Валид ибн Абдулмалик вафотидан сўнг тахтга чиқкан. Хукмдорлик муддати 2 йилу 7 ой.

Умар ибн Абдул Азиз ибн Марвон ибн Хакам ибн Абул Ос ибн Умайя (680-720 й, феврал) – умавийларнинг саккизинчи хукмдори (х. 99-101 й / м. 717-720 й). Насаби онаси тарафидан халифа Умар ибн Хаттобга боради – Умму Осим Лайло бинт Осим ибн Умар

ибн Хаттоб. Мадинада тугилган ва ўша ерда Солих ибн Кайсондан таълим олган. Умар ибн Абдул Азизни амакиси Абдулмалик ибн Марвон пойтахт Дамашкка чакирган ва кизи Фотимага никохлаган. 86 йилгача Халаб яқинидаги Дир Самъон минтакасида волий бўлиб хизмат килган. 87 йили Валид ибн Абдулмалик Мадинага волий килиб тайинлади. Сўнг 91 йили Тоифни ҳам қўшиб берди. Сулаймон ибн Абдулмалик даврида вазирлик лавозимида кўтарилди. Сулаймон ибн Абдулмалик вафотидан сўнг 99 йилдан бошлаб хукмронлик килди. Умар ибн Абдул Азиз 101 йили (720 йил феврал) вафот этди.

Язид ибн Абдулмалик ибн Марвон ибн Хакам (685/687-724 й, 27 январ) – умавийларнинг тўққизинчи хукмдори (720-724). Х. 101 й / м. 720 йили Умар ибн Абдул Азиз вафотидан сўнг тахта чиккан.

Хишом ибн Абдулмалик ибн Марвон (х. 71-125 й / м. 691-743 й) – умавийлар сулоласининг ўнинчи хукмдори (х. 105-125 / м. 724-743). Унинг даврида Умавийлар давлати энг катта худудга ёйилган. Хишом Дамашкда тугилган. Акаси Валид вафотидан сўнг тахтга ўтирган. Унинг даврида Мазриб ва Ямома кабилалари ўртасида биродаркушлик урушлари, Хорижийлар исёни, Куфада Зайд ибн Али ибн Хусайн бошчилигида галаён, Магрибда барбарлар кўзголови, Мовароуннахрда ички курашлар бўлди. Бу чиқишларнинг барчаси бостирилди.

Хишом даврида Девон ишлари тўлик араб тилига ўтказилди.

Валид II ибн Язид ибн Абдулмалик ибн Марвон (706-744 й, 7 апрел) – 744 йили хукмронлик килган. Онаси Хажжожнинг акаси Мухаммад ибн Юсуфнинг кизи эди. Валид амакиси Хишом ибн Абдулмалик вафотидан сўнг тахтга чиккан.

Язид III ибн Валид ибн Абдулмалик ибн Марвон – умавийлар сулоласининг ўн иккинчи хукмдори (744, хукмронлик муддати 6 ойдан ортик бўлган). Амакиси Валид ўлдирилгандан сўнг тахтни эгаллаган.

Иброхим ибн Валид ибн Абдулмалик ибн Марвон – умавийлар сулоласининг ўн учинчи хукмдори (744, хукмронлиги 70 кундан ошмаган). Валид II нинг икки ўглини ўлдиртириб юборган. Марвон қўшин тортиб келиб Иброхим ибн Валидни тахтдан кулатган. Вафоти баъзи манбаларда Аббосийлар Умавийларни катагон килган пайтда ўлдирилган дейилса, бошка ривоятларда эса Зоб дарёсига гарк бўлган дейилади.

Марвон II ибн Мухаммад ибн Марвон ибн Хакам (х. 72-132 / м. 691-750) – умавийлар сулоласининг Дамашкдаги сўнгги ўн тўртинчи хукмдори (744-750). Амакиваччаси Иброхимдан сўнг тахта чиккан. Унгача Армения ва Озарбайжон минтакаларида волий бўлиб қўлаб катта жангларда катнашган(732-744). У хукмронлик килган давр тахт учун курашлар энг авжига чиккан пайтга тўгри келди. Ана шундай исёнлардан бири – Абу Муслим Хурсоний бошчилигидаги кўзголон Дамашкдаги Умавийлар хукмронлигига бархам берди. Марвон II хал килувчи Зоб жангида мағлуб бўлди ва орадан қўп ўтмай ўлдирилди.

"ШАРКНИНГ МАШХУР СУЛОЛАЛАРИ" китобидан

